

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ
ИНСТИТУТИ БУХОРО ФИЛИАЛИ**

“Ер тузиш ва ер кадастри” кафедраси

Ҳимояга қўйилсин:

**“Ер тузиш ва ер кадастри” кафедраси
_____мудир .в.б. С.Асатов**

“_____” _____ 2014

Бакалавр даражасини олиш учун

***БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ***

**Мавзу “Бухоро вилояти Бухоро шаҳри Отбозор массивидаги
автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчани кадастр
хужжатларини тайёрлаш” мавзусида**

БМИни бажарувчи:

А.Луқмонов

БМИ раҳбари

доцент в.б. Жумаев О.А.

Бухоро - 2014

МУНДАРИЖА

Т/р	Битирув малакавий иши бўлимлари номи	варақлар
1	Битирув малакавий ишини бажариш учун топшириқ	
2	Битирув малакавий иши дастури	
3	Кириш	
4	1-БОБ. Массив жойлашган ҳудуднинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитлари тавсифи	
5	2-БОБ. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш Шахобчаникадастр ҳужжатларини тайёрлаш	
6	3-БОБ Техник хизмат кўрсатиш Шахобчанитехник-иқтисодий баҳолаш	
7	Хулоса	
8	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	
9	Иловалар	

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ
БУХОРО ФИЛИАЛИ**

ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

“ЕР ТУЗИШ ВА ЕР КАДАСТРИ” КАФЕДРАСИ

5620700-“Ер тузиш ва ер кадастри” бакалавриат йўналиши

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Ер тузиш ва ер кадастри” кафедраси

мудир _____ С.Р.Асатов

“ _____ ” _____ 2014й

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШЕНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА

Т О П Ш И Р И Қ

Талаба: **Луқмонов Аҳмад Аскарлович**

1. Битирув малакавий ишининг мавзуси: *Бухоро вилояти Бухоро шаҳри “Отбозор” массивидаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш Шаҳобчаникадастр ҳужжатларини тайёрлаш.*

Филиал бўйича 2013 йил « 19 » 12 даги _325 А/Ф- сон буйруқ билан тасдиқланган. __30.10.2013 й __2__ сонли кафедра мажлисида маъқулланган.

2. Битирув малакавий ишени топшириш муддати 31.05.2014 й.

3. Битирув малакавий ишени бажаришга доир бошланғич маълумотлар.

Ишлаб-чиқариш амалиёти даврида йиғилган маълумотлар ва материаллар.

4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати)

1. Кириш. 2. I боб. Массив жойлашган ҳудуднинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитлари тавсифи. 3. II боб. ““Отбозор” массивидаги техник хизмат кўрсатиш Шаҳобчасини кадастр ҳужжатларини тайёрлаш 4. III боб. Шаҳобчанинг баҳолаш ҳисоботи ва кадастр рақамларини шакллантириш. 5. Хулоса. 6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

5. Чизма ишлари рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади)

1. Массивнинг кадастр режасини тарҳи. 2. Шаҳобчанинг ер чегараси тарҳи, биналар-иншоотларнинг девор режалари. 3. Шаҳобчанинг бино-иншоотларини техник ва иқтисодий баҳолаш ва кадастр рақамларини шакллантириш.

6. Битирув иши бўйича маслаҳатчилар.

6.Битирув иши бўйича маслаҳатчилар.№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчилар ф.и.о.	Имзо, сана	
1	Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари	Жўраева Саодат		
2				

7. БИТИРУВ ИШИНИ БАЖАРИШ РЕЖАСИ.

№	Битирув ишининг босқичларининг номи	Бажариш муддати		Текширувдан ўтганлик муддати
		сана	%	
1.	Топшириқ олиш ва БМИ дастурини тузиш	20.12.2013й	7,4	
2.	Массив жойлашган ҳудуднинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитлари тавсифи	25.12.2013й	16,7	
3.	Массивнинг кадастр режасини тарҳини чизиш .	19.01.2014й	29,7	
4.	11.боб.1.Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчасини кадастр ҳужжатларини тайёрлаш”	2.02.2014 й	49,7	
5.	2.Шаҳобчани шаҳар даражасидаги ҳуқуқий, хўжалик ва архитектура-қурилиш мақоми тўғрисида маълумотлар тўплаш . 3.Шаҳобчани кадастр режасини чизмасини тайёрлаш 4.Шаҳобчани бино ва иншоотлар ҳисоб варақасини тузиш. .	23.02.2014й	73,8	
6.	111.боб. 1.Шаҳобчани бино-иншоотларини техник	3.03.2014й	83,1	

	иқтисодий баҳолаш ва кадастр рақамларинини шакллантириш.			
7.	2.Олдинги босқичларда олинган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда маълумотлар компьютер базасини яратиш.	20.04.2014 й	88,7	
8.	Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш.	18.05.2014 й	94,3	
9.	БМИни расмийлаштириш ва кафедрага топшириш.	31.05.2014 й	100	

Битирув иши раҳбари.

доцент в.б.О.А. Жумаевю.

Топшириқни бажаришга олдим

А.А.Луқмонов

Топшириқ берилган вақти

2013 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ
БУХОРО ФИЛИАЛИ

“Ер тузиш ва ер кадастри” кафедраси

"Тасдиқлайман"

_____ кафедра мудири
"___" _____ 201 йил

**Бухоро вилояти Бухоро шаҳри “Отбозор” массивидаги автомобилларга
техник хизмат кўрсатиш шахобчасининг кадастр ҳужжатларини
тайёрлаш**

мавзусида бажариладиган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ
ДАСТУРИ

БМИни бажарувчи:

А.Луқмонов

Рахбар:

доцент в.б. Жумаев О.А.

Бухоро – 2014

Кириш

1. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида республикамизда кишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Ноқиллоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил қилишда ер тузишнинг роли.
3. БМЙнинг мақсади, унга қўйилган вазифалар ва асос қилиб олинган материаллар.

I боб. Шаҳобча жойлашган ҳудуднинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитлари тавсифи.

- 1.1. Шаҳобча жойлашган массив тўғрисида умумий маълумотлар.
- 1.2. Массивнинг табиий шароитлари (иқлими, рельефи, тупроқлари)
- 1.3. Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи.
- 1.4. Аҳоли яшаш жойлари тавсифи.
- 1.5. Ердан фойдаланиш тавсифи.

II боб. Бухоро вилояти Бухоро шаҳри “Отбозор” массивидаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шаҳобчасининг ер тузиш ва ер кадастри ҳужжатларини тайёрлаш.

- 2.1 Шаҳобчани шаҳар даражасидаги ҳуқуқий, хўжалик ва архитектура-қурилиш мақоми тўғрисида маълумотлар тўплаш .
- 2.2 Шаҳобчани ер участкасининг кадастр плани чизмада жойлаштириб кадастр режасини тузиш; бино ва иншоотларнинг техник параметрларини аниқлаш учун ташқи ўлчовлар ва ички ўлчов ишларини бажариб девор режаларини чизиш.
- 2.3 Шаҳобчани бино ва иншоотлар ҳисоб варақасини тузиш.
- 2.3 Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари.

III боб. Шаҳобчани бино-иншоотларини техник ва иқтисодий баҳолаш.

- 3.1 Шаҳобчани бино-иншоотларини техник - иқтисодий баҳолаш ва кадастр рақамларинини шакллантириш.
- 3.2 Олдинги босқичларда олинган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда маълумотлар компьютер базасини яратиш.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Иловалар

КИРИШ

1. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида республикамизда ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

Республикамизда жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларинини бартараф этиш бўйича 2009-2015 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар даастури 2014-йилда ҳам ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг энг устивор йўналиши бўлиб қолади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида қабул қилинган 5 та тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш модели йилдан йилга ўзини оқлаб, тўғри ва аниқ эканлигини исботламоқда.

Иқтисодиётнинг мафкурадан ҳоли бўлиши, иқтисодиётни сиёсатдан устунлигида ўз ифодасини топган прагматик иқтисодий сиёсат, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиш, қонун устиворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойиллари дунёда авж олиб бораётган иқтисодий инқироз шароитида ўзининг долзарблигини кўрсатди.

Энг муҳим устивор вазифа қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз, қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бири бири билан боғлиқ чора тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб қувватлашдан иборат.

Қишлоқларимиз қиёфасини, қишлоқда ҳаёт сифатини, ишлаб чиқариш муносабатларининг мазмун моҳиятини ўзгартиришга, аграсаноат Шаҳобчасида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга, охир оқибатда қишлоқ аҳолисининг, ижтимоий сиёсий ва маданий савиясини, онгли ва фуқоролик маъсулиятини оширишга қаратилган давлат дастурини 2009 - 2014 йилларда амалга ошириш муҳим вазифадир.

2009 йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини янада ошириш принципиал муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фермер хўжаликларига ажратилган ер майдонларини оптималлаштириш борасида зарур ишлар амалга оширилди. Фермер хўжаликлари бугунги кунда қишлоқда етакчи бўлганга - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланди. Ер майдонларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

2.Ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил қилишда ер тузишнинг роли.

Ер тузиш давлатимизнинг ер тўғрисидаги қонунларини ҳаётга тадбиқ қилишга қаратилган тадбирлар тизими бўлиб, у ер ва ер билан боғлиқ ишлаб чиқариш воситаларидан меҳнат ресурсларидан тўла, оқилона ва самарали фойдаланишга, ерни ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилгандир.

Ер тузиш ишларининг таркиби асосан халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш талабларидан келиб чиқади. Ҳозирги даврда ер тузиш ишлари қуйидаги асосий вазифаларни ўз ичига олади:

- топография, геодезия, хариташунослик, геоботаника, тупроқ ва бошқа ер тузиш учун зарур изланишларни ўтказиш;
- республикамызда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш Бош чизмасини, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва туманлар ер тузиш чизмаларини ишлаш;
- ерни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш лойиҳаларини тузиш;
- янги хўжаликларни ташкил қилиш ва мавжуд хўжаликларнинг ер майдонлари жойлашувидаги камчиликларни тугатиш, хўжаликларга ер майдонларини ажратиш лойиҳаларини тузиш;
- хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларини ишлаш;
- табиатни муҳофаза қилишда аҳамияти катта бўлган ер майдонларини аниқлаш ва у ерларда табиатни муҳофаза қилишга қаратилганишларни ташкил қилиш, шунингдек табиатнинг хушманзара жойларида дам олиш

масканлари ва кўриқхоналар ташикл қилиш ва бошқ.

Ер тузиш ишлари халқ хўжалиги тармоқларида ва қишлоқ хўжалик корхоналарида ўтказилиб, янги ерларни суғориш ва уларни қишлоқ хўжалиги ерларига қўшиш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш ва деҳқончилик маданиятини кўтаришга қаратилгандир.

Ер халқ хўжалигининг барча тармоқларини жойлаштириш ва уларнинг фаолият кўрсатишлари учун зарур тармоқлараро ресурс ҳисобланади. Ерда саноат корхоналари, энергетика объектлари, автомобил ва темир йўллари, электр узатиш ва алоқа тармоқлари, қувур ўтказгичлар, аҳоли яшаш жойлари, муҳофаа, маданият, соғлиқни сақлаш объектлари қурилади. Шунинг учун, ҳар доим у ёки бу ноқишлоқ хўжалик корхоналарига, ташкилотларига, муассасаларига ер участкаларини ажратиш зарурати келиб чиқаверади. Бунда бутун халқ хўжалиги бўйича оптимал натижаларга эришишга ҳаракат қилиш керак.

Мўлжалланган мақсадлари ҳар хил ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил этишда, одатда, ерларни тоифалар ва халқ хўжалиги тармоқлари орасида қайта тақсимлаш, айрим вазиятларда эса маҳсулдор ерларнинг сарфланиши кузатилади.

Республикаимиз ерларининг 461% қишлоқ хўжалик ерлари ташкил қилганлиги сабабли, бошқа тармоқ корхоналари, давлат ва жамоатчилик эҳтиёжлари учун ерлар кўп вазиятларда қишлоқ хўжалик ерлари ҳисобидан ажратилади. Бу ишлар Ўзбекистон республикасининг ер тўғрисидаги қонунларига, махсус қарор ва фармойишларига асосан олиб борилади. Ерлар қишлоқ хўжалик жамоа, ширкат корхоналарига эгалик қилиш ҳуқуқи билан берилса, бошқа тармоқ корхоналарига фақат фойдаланишга берилади. Шунинг учун ҳам, ерларни бошқа тармоқ корхоналарига олиб беришда янги ердан фойдаланиш ҳуқуқи юзага келади. Бу ишлар билан боғлиқ ер тузиш ишларини ўтказиш жараёнида

нафақат ҳуқуқий, балки иқтисодий ва техник масалаларни ҳам, ер тузишлойиҳасини ишлаш жараёнида ечиш талаб қилинади.

Ўзбекистоннинг ер қонунчилиги жуда қимматбаҳо (суғориладиган) ва унумдор ерларнинг қишлоқ хўжалигидан олинishiга йўл қўймайди. Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун яроқли ерлар энг аввало қишлоқ хўжалигига ажратилади.

Ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил этиш ер тузиш ишларининг қуйидаги тартибини тақазо этади:

тайёргарлик ишлари;

ваколатли орган томонидан ер участкасини бериш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши ва лойиҳавий ҳужжатларнинг тасдиқланиши;

ер участкасини жойда ажратиш;

ерга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатни ва ер тузиш материалларини бериш.

Саноат, транспорт ва бошқа ноқишлоқ хўжалик қорхоналари, ташкилотлари ва муассасаларини республикаимиз ҳудудида жойлаштириш ер тузишнинг вазифасига қирмайди. Бу ишлар республикаимизда ишлаб чиқариш қучларини жойлаштиришнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш, тармоқларни жойлаштириш режалари асосида амалга оширилади. Аммо, шу билан бир қаторда, уларнинг аниқ ўрни, ерларининг майдони ва шакли, чегаралари ер тузиш ишлари ёрдамида аниқланади. Бунда хўжаликлараро ер тузиш тармоқлараро ер тузишга айланади, сабаби, ерни халқ хўжалиги тармоқлари, ер тоифалари орасида қайта тақсимлаш ишлари бажарилади.

Қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқ қорхоналари ҳар хилдир. Уларга саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва маданий, илмий, соғлиқни сақлаш, дам олиш, сув хўжалиги, ўрмон хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва ҳар хил иншоотлар қиради. Уларга ер майдонлари доимий ёки вақтинча фойдаланишга берилади. Уларнинг ерлари майдонлари ва жойлашиши бўйича ҳар хил бўлади. Майдони ва

жойлашган ўрни ўзгариб турувчи ёки ўзгармайдиган, шакли ихчам ёки узун ер полосаларидан иборат бўлиши мумкин. Улар атроф муҳитга ҳар хил таъсир (ер ости сувларининг ер юзасига кўтарилиши, ерларнинг қуриб кетиши, ифлосланиши) қилиши ёки қилмаслиги мумкин. Бу таъсир, уларга ер ажратиш лойиҳаларини тузиш вақтида ҳисобга олиниши керак.

Республикамызда кадастр тизимини такомиллаштириш ва Ўзбекистоннинг асосий бойликларидан бўлган Ердан самарали фойдаланиш мақсадида 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан «Ер кодекси» ва «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонунга жамиятимизнинг ривожланиши, бозор иқтисодиётини янада кенг амалга оширилиши, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларни ҳисобга олган ҳолда кўпгина янгиликлар киритилди.

Кадастр тушунчаси “Солиққа оид предметлар рўйхати” маъносини англатувчи латин сўзидан келиб чиққан. Бошида кадастр ер солиғи предметига доир китоб (реестр) сифатида тушунилар эди, кейинчалик у давлат ҳисобга олиш-баҳолаш тадбирлари мазмунига эга бўлди.

қадимги тарихий қўлёзмалар ва ёдгорликлар ер кадастри милоддан юзлаб йиллар аввал қадимги Юнонистонда, Мисрда, Румда, Хитойда мавжуд бўлганидан далолат беради.

Замонавий Европа ер кадастри тизими кўп жиҳатдан унинг тушунчаси ва мазмунини шакллантирган Наполеон билан боғлиқ. Лекин ҳар бир мамлакатда кадастр ривожини ўз шароитлари ва анъаналарига асосланади, шунинг учун жаҳонда иккита бир хил кадастр тизимини топиш мумкин эмас. Шуниси қизиқки, мамлакатимиз ҳудудида ўтган асрда қози томонидан юритилган “Темир дафтар” номли кадастр кўринишларидан бири амал қилган.

Кадастр тушунчасининг замонавий таърифи сифатида шуни айтиш мумкинки, кадастр - мамлакатимиз ҳудудидаги табиий ресурслар ва инсон яратган моддий ва маънавий бойликларнинг сўнгги ҳолатига оид маълумотларни сақлаш ва фойдаланувчиларга ҳавола қилиш тизимидир.

Давлатимиз мустақилликка эришиб, бозор иқтисодиёти томон юз тутганлиги хўжалик юретишнинг янги усуллари ва тамойилларини

ҳаётимизда жорий қилишни тақозо этади. Давлат, ташкилот ёки фуқаро томонидан қайсидир моддий бойлик тури, жараён, объект бўйича маълум иқтисодий муолажани амалга ошириш уларнинг шу муолажа вақтидаги миқдор ва сифат ҳолатларига, меъёрий баҳоларига, ҳуқуқий ҳолатларига доир батафсил, тўғри ва оператив маълумотларга эга бўлишни талаб қилади. Тармоқ ва ҳудудий кадастр хизматлари айнан шу талабларни қондириш мақсадида ташкил қилинган.

Табиий ва моддий бойликлар бир қанча турларга бўлинганлиги учун мутаносиб равишда давлат кадастр тизими ҳам бир қанча тармоқ кадастрларини ўз ичига олади. Масалан, ер кадастри, энергетика ресурслари кадастри, ҳайвонот олами кадастри, темир йўллар кадастри, бино ва иншоотлар кадастри, сув ресурслари кадастри, ўрмон кадастри, архитектура ёдгорликлари ва тарихий обидалар кадастри, алоқа кадастри ва ҳ.к. Мамлакат ҳудудидаги ҳар қандай бойлик ёки ер остида, ёки ер устида жойлашганлиги туфайли мазкур кадастрлар ичида ер кадастри алоҳида ўрин тутди.

Ер кадастрини юргизишдан асосий мақсад – ердан самарали фойдаланишни ташкил қилишдан иборат. Ўтган уч йиллик қисқа давр ичида ташкилот раҳбарлари, кўчмас мулк эгалари, яъни мулкдорлар ва фуқаролар томонидан ерга бўлган муносабат кескин ўзгарди. Бу ўзгариш юртимизда олиб борилаётган улкан ободончилик ишлари ва ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш мақсадида бажарилаётган тадбирлар тимсолида намоён бўлмоқда.

Шўро даврида 1977 йилга қадар ерларни, шу жумладан уларнинг миқдори ва сифатини фақат рўйхатга ва ҳисобга олиш йўлга қўйилган эди, 1977 йилдан бошлаб ерни баҳолаш, шу жумладан тупроқ бонитировкаси (тупроқ табиий ҳосилдорлигини қиёсий баҳолаш) ва ерларни иқтисодий баҳолаш (ҳосилдорлик, дифференциал даромад ва ҳаражатларни қоплаш бўйича) ишлари амалга оширила бошланди. Кадастр баҳолаш маълумотларидан асосан ҳосилдорликни, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини, харид нархларини дифференциялаштириш, тупроқ ҳосилдорлигини ошириш бўйича қарорлар қабул қилиш учун, ер тузишни лойихалаштиришда, шунингдек ерларни қишлоқ хўжалик оборотидан чиқариш ҳолларида кўрилган зиёнларни компенсация қилиш миқдорини аниқлашда фойдаланилар эди. Ер тўловлари, кредит-гаров тизими, ерларни нархий баҳолаш ва ер бозори институтлари у даврда амал қилмас эди.

Ҳозирги даврда иқтисодимиз бозор муносабатлари томон юз

тутганлиги туфайли собиқ кадастр тизими кун талабларига жавоб бера олмай қолди. Мақсадимиз шуки, янги кадастр тизими нафақат кун талабларига, балки жаҳон андозалари талабларига ҳам жавоб бера оладиган тизим бўлиши зарур.

Яқин ўтган даврга қадар аҳоли пунктларининг ер кадастри амалда йўқ эди. 1995 йилда бошланган инвентаризация натижасида шаҳар ерлари кадастрига асос қўйилди. Ҳозирги кунда Ўзгеодезкадастрнинг 208 дан ортиқ кадастр хизматлари аҳоли пунктлари ер кадастрини яратишга ва уни юритишга киришганлар, бу ерларни ҳисобга олишни йўлга қўйиш ва ерларнинг мазкур тоифасидан фойдаланишнинг даромад келтириш даражасини ошириш имконини беради.

«Ер кодекси» ва «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонун орқали давлат ер кадастрини юритиш ишлари кучайтирилди ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби белгиланди. Ерга бўлган мулкдорлик ҳуқуқи, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқлари аниқ белгиланди.

Ҳар бир ширкат, фермер хўжалиги, ташкилот, муассаса, корхоналар, савдо-маиший объектларининг ер майдонлари ва чегаралари аниқ белгиланган ҳолда ер кадастри ҳужжатлари тайёрланади. Ердан фойдаланувчилардан кадастр ҳужжатларига асосланган ҳолда, ер ижараси ва солиқ тўловлари амалга оширилади.

Шуни таъкидлаб ўтмоғимиз лозимки, ташкилот ва фуқароларнинг кўчмас мулкка оид ҳуқуқларини кадастр рўйхатига олиниши қуйидаги факторларга кўра уларнинг манфаатларига мос келади.

Аввало кўчмас мулкнинг кадастр рўйхатига олиниши - бу юридик ёки жисмоний шахснинг шу мулкка оид ҳуқуқларини давлат томонидан қафолатланиши демакдир.

Бозор иқтисодиёти учун хос бўлган олди-сотди шартномаларини тузиш, хўжалик фаолиятига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, бирор мақсад йўлида кўчмас мулкни гаровга қўйиш, уни кимгадир мерос қилиб қолдириш, фаолият жараёнида юзага келадиган келишмовчиликларни ҳал қилиш каби ишларни шу мулкни кадастр рўйхатидан ўтказмай туриб амалга оширишнинг иложи йўқ.

Бундан ташқари, қонун ва суд муассасалари қўчмас мулкка оид ҳуқуқларга тегишли можароларни қўриб чиқишда кадастр рўйхати ёзувларига таянадилар.

Турар жой бўлмаган бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун шу объект жойлашган ҳудуддаги (туман, шаҳар) кадастр хизматига мурожаат қилмоқ лозим. У ерда мулк давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисида гувоҳномани ўрнатилган муддат ичида олишдан ташқари шу соҳага оид барча саволларга жавоб топиш ҳам мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтмоқ зарурки, чегараларни аниқлаш ва ўрнатиш ишлари ўта муҳим аҳамиятга моликдир, улар ер кадастрини ишлаб чиқишда, шаҳар ва посёлкаларнинг ер балансларини тузишда асос бўлиб хизмат қилади.

Ер участкаларини кадастр суратига олиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш билан бир вақтда кадастр хизматлари турар жой бўлмаган бино ва иншоотларни инвентаризация қилиш, баҳолаш ва рўйхатга олиш ишларини ҳам бажармоқдалар.

Юртбошимиз олға сурган Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бешта тамойилини яхши биламиз, уларнинг бирида ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш белгиланган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳам мазкур принципга асосан, уч босқичда амалга ошириш мўлжалланган. Ҳар бир босқичнинг ўз олдида қўйган аниқ вазифалари бор. Уларнинг сифатли бажарилиши кейинги босқичнинг муваффақиятига сабаб бўлади.

3. БМИнинг мақсади, унга қўйилган вазифалар ва асос қилиб олинган материаллар

Битирув малакавий ишининг мақсади автомобилларга техник хизмат кўсатиш шаҳобчасини кадастр ҳужжатларини тайёрлаш .

Маълумки, ер участкаларига бўлган турли-туман ҳуқуқларни рўйхатга олиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек ер ресурсларини самарали ва асосланган ҳисобини юритиш, ер участкалари билан турли ҳаракатларни амалга ошириш, солиққа тортиш ва бошқа мақсадлар учун амалга оширилади.

Ер участкаларига ҳуқуқлар вужудга келадиган, ўзгарадиган ёки тўхтатиладиган, ер участкаларига бўлган ҳуқуқлардан фойдаланадиган барча юридик ва жисмоний шахслар рўйхатга олиш субъектлари ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос ҳолда расмийлаштирилган, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тасдиқлайдиган, ўзгартирадиган, чеклайдиган ёки умуман тўхтатиладиган юридик ҳужжатлар рўйхат қилиш объектларидир.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш улар жойлашган ҳудуддаги ҳудудий-регионал органлар (туман ер ресурслари ва кўчмас мулк кадастри хизмати) томонидан амалга оширилади.

Аниқ бир ер участкасига юридик ёки жисмоний шахснинг ҳуқуқини бошланғич тарзда белгилаш бўйича ҳаракат-ҳуқуқнинг вужудга келишидир:

- умрбод меросий эгалик ҳуқуқи;
- доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи;
- мулк ҳуқуқи;
- ижара ҳуқуқи.

Фақатгина ҳуқуқ турини ёки ердан фойдаланиш характерини, ер участкасининг чегарасини ўзгариши бўйича ҳаракат - ҳуқуқининг ўзгаришидир:

- фойдаланиш мақсади;
- умумий майдони;
- ер тоифаси;
- ҳуқуқ турлари;
- мулкчилик улушининг нисбатлари.

Ҳуқуқни бир субъектдан иккинчисига ўтиши – ер участкасига бўлган ҳуқуқни битта юридик ёки жисмоний шахсдан бошқасига ўтиши бўйича ҳаракатлардир:

- ер участкасини олди-сотди, алмашиш, совға қилиш, мерос, рента;
- бино ва иншоотларни олди-сотди, алмашиш, совға қилиш, мерос, рентаси, уй-жойни умрбод тутиб туриш учун ажратиб олиш.

Юридик ва жисмоний шахсларни ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини қуйидаги ҳолларда бекор қилиш бўйича ҳаракатлар ҳуқуқларни тўхтатилишидир:

- ўз ҳоҳиши бўйича воз кечганда;

- ер участкасига бўлган фойдаланиш ёки ижара муддати тугаганда;
- юридик ёки жисмоний шахсларнинг фаолияти тўхтаганида;
- ижарага олиш шартномаси бекор қилинганда ёки бекор бўлганда;
- ер участкаси ер қонунларида назарда тутилмаган тартибда олиб қўйилганда;
- Давлат ёки жамоатчилик эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда (сотиб олинганда).

2. Ер участкаларига кадастр рақамларини шакллантириш.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олишдан олдин уларга кадастр рақами берилади. Кадастр рақами - ер участкаси, бино-иншоотга тегишли Ўзбекистон Республикаси ҳудудида такрорланмайдиган рақам бўлиб, у қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда уни шакллантиришда берилади ва у рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқнинг ягона объекти сифатида мавжуд бўлгунига қадар сақланиб қолади.

Қуйидаги ер участкаси, бино-иншоот кадастр рақамининг мажбурий элементларини ташкил қилади:

- минтақа (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри)нинг рақами;
 - минтақа таркибидаги маъмурий туман ёки вилоят бўйсинувидаги шаҳарнинг рақами;
 - кадастр зонаси рақами;
 - кадастр массиви;
 - кадастр мавзеси рақами;
 - ер участкасининг рақами;
 - бино-иншоотнинг рақами;
 - бино-иншоот бир қисмининг рақами;
- Кадастр рақами қуйидаги тузилмага эга:

AA : BB : CC : DD : EE : FFFF : GGGG : NNN

Бунда: **AA** - минтақанинг рақамини билдирувчи икки разрядли унли сон;

BB - минтақа таркибидаги маъмурий-ҳудудий тузилманинг рақамини билдирувчи икки разрядли унли сон;

CC - кадастр зонаси рақамини билдирувчи икки разрядли унли сон;

DD - кадастр зонаси доирасида кадастр массивининг рақамини билдирувчи икки разрядли унли сон;

ЕЕ - кадастр массиви доирасида кадастр мавзесининг рақамини

билдирувчи икки разрядли унли сон;

FFFF - кадастр мавзеси доирасида ер участкасининг рақамини

билдирувчи тўрт разрядли унли сон;

GGGG - ер участкаси доирасида бино, иншоотнинг рақамини

билдирувчи тўрт разрядли унли сон;

ННН - бино, иншоотлар бир қисми рақамини билдирувчи уч

разрядли унли сон;

Минтақалар, маъмурий туманлар, вилоят бўйсунувидаги шаҳарларнинг тасдиқланган кадастр рақамлари(кодлари) 1-иловада келтирилади.

Кадастр зоналари, массивлари ва мавзеларини кадастр бўйича бўлиш ва шакллантириш вақтида уларнинг чегаралари, одатда шаҳарлар, шаҳар туманлари, қишлоқларнинг маъмурий чегаралари тўғри келади. Кейинчалик, маъмурий чегаралар ўзгарганда, кадастр бўйича бўлиниш схемасига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Ер участкасининг кадастр рақамини шакллантириш ер участкаси кўчмас мулк объекти сифатида шакллантирилган ва унинг чегаралари туман (шаҳар) навбатчи кадастр харитасига киритилганидан кейин бошланади.

**1-БОБ. МАССИВ ЖОЙЛАШГАН ҲУДУДНИНГ ТАБИИЙ,
ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАРИ ТАВСИФИ**

1.1. Шаҳобча жойлашган массив тўғрисида умумий маълумотлар

Техник хизмат кўрсатиш шаҳобчаси Бухоро Шаҳрининг шимолий шарқида “Отбозор” массивида жойлашган. Массив шимолдан Бухоро тумани ерлари билан, шарқдан Когон тумани чегараси билан, жанубдан “Ширбудин” массиви ерлари билан, ғарбдан “Ситораи моҳихоса” массиви ерлари билан чегарадош. Массив чегарасидаги жами ер майдони 1359.2 гектарни ташкил қилади. Массив вилоят маркази билан асфальтланган йўллар билан боғланган. Массивдан шаҳар марказигача 1.6 км. 2014 йил вилоят ер тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати давлат унитар корхонаси маълумотларига кўра массивда 12 та аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб, уларда Бешкаппа, Бозорчаи Аюб, Калтарабод, Малахтеза, Маҳаллаи Шайхон, Рухшобод, Сари бозор, Сувобод, Турун-бурун, Қуйи Марғосим, Қуйи Ўзбекон, Ғурбунча аҳоли пунктларида 6225 та аҳоли истиқомат қилади.

Шу билан бир қаторда массивнинг келгусидаги ривожланиш истиқболларини белгилаш, уларни аниқлаш учун биринчи навбатда массивнинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитларини ҳар жиҳатдан чуқур билиш катта аҳамиятга эга.

1.2. Табиий шароитлари (иқлими, рельефи, тупроқлари)

Массив ҳудудлари ўзининг географик жойлашиш ўрнига кўра, Турон субтропик иқлим минтақасининг Ўрта Осиё қуруқ континентал иқлим области (провинцияси)га киради ва ярим чўл зонасига мансуб ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туради. Бу ҳудуд иқлим шароитларини унинг жанубий океан ва денгизлардан узоқлиги, чўллар яқинлиги белгилайди. Ҳудуднинг умумий иқлим шароити бир омил: чўл иқлими ва чала чўллари

иқлими таъсирида шаклланади. Иқлимнинг умумий хусусиятлари текислик ва чўл олди ҳудудларида унинг кескин континентал қуруқлиги, жанубий гарбда чўл ва чалачўл ерларида ҳаво ҳароратининг кўтариши, ёғинлар миқдорининг камайиб бориши, қуёш радиацияси, кунлик, ойлик, йиллик ва фаслларда ҳароратнинг катта ораликда тебраниб туриши ва атмосфера ёғинларининг йил давомида нотекис тақсимланишида ўз аксини топади.

Чул қисмида аёзсиз даврнинг давомийлиги 210-220 кунни ташкил қилади. Эффе́ктив фаол температура йигиндиси 4000-4400 °, эффе́ктив фойдали температура йигиндиси эса 2100-2300 °С.

Куп йиллик уртача температура +16 °С.

Илк совук даври октябрнинг охири 10 кунлигига тўғри келади. Куп йиллик маълумотларга қараганда охири совук давр март ойи охирига, ҳатто апрел ойи ўрталарига ҳам тўғри келади.

Июлдаги ўртача температура +27,8° С. +10° С ҳароратдан юқори давр 28-мартдан 28- октябргача 210 кунни ташкил қилади.

Энг совук ой январда - 1,0° ни ташкил этади, абсолют минимум ҳарорат 27-29° гача пасаяди.

Баҳорги кучли ёмғирлар ҳаво ҳароратини пасайтириб, тупроқ қатқалоғини содир этади, айрим йилларда экин майдонларини бузиб қайта экишга тўғри келади.

Йиллик ёғинларнинг ўртача миқдори катта ораликда тебраниб 280-370 мм ни ташкил этади, унинг максимал миқдори қиш-баҳор ойларига тўғри келади, ёз ойларида ёғинлар деярли бўлмайди. Қор қоплами беқарор бўлиб, унинг қалинлиги одатда 3-10 см ни ташкил этади, айрим совук йилларда унинг қалинлиги 25-35 см гача етади. Ҳавонинг ўртача йиллик нисбий намлиги 50-55% кўрсаткичларида кузатилади, қиш ойларида 75-

80% гача кўтарилиб, ёз ойларида 25-30% гача пасаяди, бу даврда етишмаган намлик миқдорини суғориш орқали тўлдирилади.

Ёғинлар миқдорининг кам бўлиши ва ёз ойларидаги юқори ҳарорат тупроқдан юқори буғланишни содир этади. Буғланиш 1280-1470 мм ни, атмосфера ёғинлари 320-363 мм ни ташкил этгани ҳолда, намлик танқислиги (буғланиш минус ёғинлар) 960-1107 мм га тенг кўрсаткичларда кузатилади. Шамолнинг ўртача тезлиги 1,5-3,4 м/сек га тенг бўлиб, унинг максимал тезлиги 22-28 м/сек. ни ташкил этади.

Январда ўртача ойлик ҳарорат 2-6 градусни ташкил этади. Ҳавонинг энг совуқ ҳарорати -28-32 градусгача этади. Совуқсиз кунлар йил давомида 206 кунни ташкил қилади. Вегетация даврида самарали ҳарорат йиғиндиси 2400-2500 градиуни ташкил қилади. Биринчи совуқли кунлар 15 октябрдан бошланиб 26 мартда тугайди. Ҳавонинг нисбий намлиги 65 % ни ташкил қилади ёзда бу 45 % гача пасаяди.

Ёз ойи жазирама. Июлда ўртача ойлик ҳаво ҳарорати 27,4 градусдир. Ҳавонинг энг иссиқ ҳарорати 43 градусни ташкил этади. Йил бўлаб 6 кун қаттиқ шамол (секундига 15 метрдан ортиқ) эсади.

Йиллик ёғингарчилик 220 -283 мм.

Қуйидаги 1,2,3,4,5 жадвалларда иқлимнинг асосий кўрсаткичлари келтирилган.

1- жадвал

Бухоро метеостанциясининг маълумотларига кўра йил ва ойлар бўйича ҳарорат

Ҳарорат	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
Ўртача	2,6	0,2	7,4	14,4	20,6	25,4	27,4	25,2	19,2	12,2	5,6	0,6	13,0
Юқори	20	25	31	36	41	43	43	43	39	38	30	23	43
Паст	-30	-28	-20	-6	0	3	7	6	0	-13	-23	-32	-32

2-жадвал

Бухоро метеостанциясининг маълумотларига кўра йил ва ойлар бўйича
шамолнинг тезлиги

Метеостан- ция номи	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XI	Йил
Бухоро	1,4	1,7	1,9	2,0	2,0	1,9	1,5	1,4	1,3	1,4	1,4	1,2	1,6

3-жадвал

Бухоро метеостанциясининг маълумотларига кўра йил ва ойлар бўйича -
ёғингарчилик миқдори, мм

Метеостан- ция номи	I	II	III	IV	V	VI	VI I	VI II	IX	X	XI	XI	Йил
Бухоро	29	22	45	41	39	22	9	1	4	24	30	38	304

4-жадвал

Бухоро метеостанциясининг маълумотларига кўра йил бўйича кучли
шамол эсадиган кунлар

Метеостанция номи	I	II	III	IV	V	VI	V II	VII I	IX	X	XI	XI I	Йил
Бухоро	2	2	3	3	6	6	6	5	3	5	2	2	29

5-жадвал

Бухоро метеостанциясининг маълумотларига кўра йил ва ойлар бўйича
шамолнинг йўналиши.

Ойлар	Ш	ШШҚ	ШҚ	ЖШҚ	Ж	ЖҒ	Ғ	ШҒ
I	32	24	6	4	6	4	6	18
II	26	22	7	5	7	6	8	19
III	28	17	6	6	9	6	8	20
IV	28	17	8	5	11	6	8	17
V	27	16	7	6	12	8	7	17
VI	25	15	5	5	13	7	7	23
VII	24	12	5	5	14	6	9	25

VIII	20	12	5	6	15	6	9	27
IX	24	16	9	6	11	4	7	23
X	23	23	8	6	8	5	7	20
XI	26	26	6	4	6	6	8	18
XII	29	24	7	3	7	6	9	15
Йил	26	19	6	5	10	6	8	20

Рельефи. Массивнинг рельефи асосан текисликлардан иборат бўлиб, шимолий шарқдан жанубий ғарбга ва шарқдан ғарбга қараб кучсиз қияликдан иборат. Узоқ муддатли суғориш ва агротехника натижасида рельеф ўзининг антропоген кўринишини олган. Массивнинг ҳудуди Зарафшон дарёсининг I, II, III қайир усти лойсимон ётқизиклардан ташкил топган. Асосан рельефи текислик иборат.

Массив тупроқларининг механик таркиби ҳар хил бўлиб, тупроқ турлари бўйича 36,2-74,0% и ўрта механик таркиблидир .

Тупроқ шароити

Массивнинг суғориладиган ерлари сахро минтақасига хос бўлиб, қадимдан суғориладиган ўтлоқи аллювиал, ўтлоқи-сахро ва ўтлоқ-тақирли, ўтлоқи-қумоқ тупроқлар кенг тарқалган. Юқорида келтирилган тупроқ турларининг майдони 6. жадвалда келтирилган.

6. жадвал Массивнинг суғориладиган ҳудудида тарқалган тупроқ турлари ва майдони

Тупроқ тури	Майдони, га	%
Ўтлоқи-аллювиал тупроқлар	2141.6	87,7
Тақир-ўтлоқи тупроқлар	195.3	8,0

Сур тусли қўнғир тупроқлар	100.1	4,1
Ўтлоқи-қумоқ тупроқлар	5	0,2

Келтирилган жадвал маълумотларини кўрсатишича вилоятнинг суғориладиган ерларини 87,7% ўтлоқи-аллювиал ва пойма-аллювиал тупроқларидан иборат. Бу тупроқлар қадимдан суғориладиган, маданийлашган, унумдор тупроқлар бўлиб, хайдалма қатлам (0-40 см) таркибидаги гумус миқдори 0,86-1,6 %ни, умумий азот 0,06-0,12% ни, умумий фосфор 0,11-0,18% ни ташкил қилади.

Тақир-ўтлоқи тупроқлар тарқалиш майдони бўйича ўтлоқи аллювиал тупроқлардан кейин иккинчи ўринда туриб, майдони 8 фоизни ташкил қилади. Бу тупроқлар массивнинг рельеф бўйича юқори қисмларини ўз ичига олади, шунингдек ўтлоқи-аллювиал тупроқлар таркибида гумус миқдори 0,5-0,8% ни, умумий азот 0,04-0,8% фосфор эса 0,8-0,14% ни ташкил этади.

Массив тупроқлари яхши сув-физик хоссаларга эга бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларига механик ишлов бериш, сув ўтказувчанлиги, намликни сақлаш хусусиятлари жуда қулайдир.

Суғориладиган тупроқларни ҳаракатчан фосфор билан таъминланганлик даражаси бўйича 5,7% майдон жуда кучсиз, 39,5% ўртача, 3,4% юқори ва 0,5% майдон жуда юқори таъминланган.


Ҳаракатчан калий бўйича эса 1,1% майдон жуда кучсиз, 49,2 % кучсиз, 40,2% ўртача, 8,6% кучли ва 0,9% майдон юқори таъминланган. Ушбу маълумотлардан маълумки суғориладиган ерларда етиштириладиган барча қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл, сифатли ва қафолатланган ҳосил олиш учун минерал ўғитлардан максимал даражада фойдаланиш талаб қилинади.

Мелиоратив кадастир маълумотларига қараганда, суғориладиган майдонларнинг 13 % ни яхши ерлар, 73 % ни қониқарли ва 14 % ни қониқарсиз ерлар ташкил этади.

Тупроқшунослик ва агрокимё давлат илмий-тадқиқот институтининг “Тупроқ бонитировкаси” шўъба корхонаси мутахассислари томонидан Бухоро вилоятидаги мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчиларга тегишли суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларининг унумдорлик даражаси (бонитет балли)ни аниқлаш ҳамда баҳолаш мақсадида 2010-2011 йилларда 229108,0 гектар суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг тупроқлари текширувдан ўтказилди ва баҳоланди.


Вилоят туманларида ўтказилган ерларни баҳолаш ишлари натижаларига кўра тупроқларнинг ўртача бонитет бали вилоят бўйича 51 га тенг. Туманлар орасида энг юқори бонитет балл Ғиждувон туманига тегишли бўлиб 58 баллни, энг пастси эса Қоровулбозор туманига тегишли бўлиб 42 баллни ташкил этди.

Тупроқ мелиоратив ҳолати ва унинг унумдорлиги тупроқларнинг механик таркибига бевосита боғлиқ. Вилоятдаги суғориладиган 229108,0 гаерларнинг 43 фоизи ўртақумоқли, 25,6 фоизи енгил қумоқли, 17,3 фоизи оғир қумоқли, 9,6 фоизи қумлоқли 4,1 фоизи қумли ва 0,4 фоизи лойли механик таркибли тупроқлардан иборат (6-расм).



6-расм. Бухоро вилояти суғориладиган тупроқларининг механик таркиби, ер майдони (фоиз ҳисобида)

Тупроқ мелиоратив ҳолатининг ёмонлашувига ва унумдорлигининг пасайишига сабаб бўлувчи шўрланиш жараёнлари Бухоро вилояти суғориладиган ерларининг 82,6 фоизини ташкил этади. Кучли шўрланган тупроқлар вилоятнинг барча туманларида тарқалган (32077,3 га). Ўртача шўрланган тупроқлар (65510,0 га) ва кучсиз шўрланган тупроқлар ҳам вилоятнинг барча туманларида мавжуд бўлиб, уларнинг ер майдони 91701,9 га ни ташкил этади (7-расм).



7-расм. Бухоро вилояти суғориладиган тупроқларининг шўрланиш даражаси, ер майдони (гектар ҳисобида)

Тупроқ-баҳолаш ишлари натижасига кўра, Бухоро шаҳри ҳудудидаги суғориладиган ерларнинг ўртача бонитети 50 балл билан баҳоланиб, 1999 йилдагига нисбатан 1 баллга ошди (2-жадвал).

Бухоро шаҳри суғориладиган тупроқларининг сифат баҳоси

(2012 йил 01 январ ҳолатига)

(гектар ҳисобида)

Т/р	Туманларнинг номи	Кадастр гуруҳлари										Жами	Ўртача бонитет балл
		ёмон ерлар		ўртачадан паст ерлар		ўртача ерлар		яхши ерлар		энг яхши ерлар			
		Кадастр класслари											
		I-класс	II-класс	III-класс	IV-класс	V-класс	VI-класс	VII-класс	VIII-класс	IX-класс	X-класс		
		БОНИТЕТ БАЛЛИ											
		0-10	11-20	21-30	31-40	41-50	51-60	61-70	71-80	81-90	91-100		
12	Бухоро ш.			63	680	585	356	214				1898	50

1.3. Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи.

Суғориладиган минтақаларда ирригация ва мелиорация шаҳобчалари тўғрисидаги тўла маълумотларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Асосий суғориш тармоғи Шохруд канали ҳисобланади. Суғориш тармоқлари ва зовурлар 8,0 га ни ташкил этади. Массивдаги суғориш тармоқларининг асосий камчилиги шундан иборатки, бу каналлар ердан қазилган, инженерлик тармоқлари билан таъминланган. Ер ости сувларини йиғгич – мелиоратив тармоқлар, яъни захкашлардир. Далачилик ривожланишининг асоси захкашдир. Захкашлар хўжалик ерлари мелиоратив ҳолатини яхшилаб туришда рол ўйнайди.

1.4. Аҳоли яшаш жойлари тавсифи.

“Отбозор” массивнинг умумий аҳолиси 6225 одамни ташкил қилади.

7-жадвал

Массивнинг аҳоли яшаш жойлари тавсифи

Аҳоли пунктлари	Оила-лар сони	Аҳоли сони		Маданий маиший бино ва иншоотлар	Ободонлаштириш даражаси	Аҳоли пунктининг майдони, га	Бажарадиган вазифаси
		Ҳаммаси	Меҳнатга яроқлилар				
1.Бешкаппа	103	518	258	Дукон, чойхона, устахона	Электрлаш-лашган газлаш-ган	20	Ёрдамчи
2.Бозорчаи Аюб	96	480	240	Дукон, чойхона,	- -	18	Ёрдамчи

				устахона			
3.Калтарабо д	99	495	247	дукон, чойхона, устахона	Элек- трлаш- лашган газлаш -ган	20	Ёрдамчи
4.Малахтеза	100	502	250	, дукон, чойхона, устахона	Элек- трлаш- лашган газлаш -ган	21	Ёрдамчи
5.Маҳаллаи Шайхон	90	450	225	Дукон, чойхона, хаммом, омбор, устахона	Элек- трлаш- лашган газлаш -ган	19	Ёрдамчи
6.Рухшобод	104	521	260	Мактаб, Паликлина, ЁММ, касалхона, болалар боғчаси, дукон.	Элек- трлаш- лашган газлаш -ган	30	Марказ
7.Сари бозор	79	395	197	Чойхона, устахона, дукон.	Элек- трлаш- лашган газлаш -ган	15	Ёрдамчи
8.Сувобод	99	496	248	дукон	- -	18	Ёрдамчи
9.Турун-	105	528	264	дукон, чойхона,	Элек-	22	Ёрдамчи

бурун				устахона	трлаш- лашган газлаш -ган		
10.Қуйи Марғосим	100	498	249	Чойхона. Устахона, Дўкон.	Элек- трлаш- лашган газлаш -ган	23	Ёрдамчи
11.Қуйи Ўзбекон	102	525	263	Дукон, чойхона, хаммом, омбор, устахона	Элек- трлаш- лашган газлаш -ган	22	Ёрдамчи
12.Ғурбунча	163	817	408	Мактаб, ҚВП, болалар боғчаси, дукон, чойхона, устахона укон, чойхона, омбор, устахона	Элек- трлаш- лашган газлаш -ган	30	Ёрдамчи
Жами	1240	6225	3109			258	

5. Ердан фойдаланиш тавсифи

2014 йил 1 январь ҳолатига нисбатан массивига 1359 га ер майдони бириктирилган. Массив ер фондининг экин ер турлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 8- жадвалда келтирилган.

**Бухоро шаҳрида ҳудудлар кесимида 2014 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинлари жойлашуви
РЕЖАСИ**

№	Номи	Контур сони	Жами ер майдони, га	Шундан экин ери, га	Бал боните т	Шу жумладан						Узумзо р	Мевазор
						Пахта майдон и	Галла майдони	Сабзавот майдони	Полиз майдони	Картошк а майдони	Озука майдон и		
1	Жами фермерлар	680	1359,2	1008	56	265	244	372,2	11,1	28,6	87,1	110,3	113

II боб.

**Бухоро вилояти Бухоро шаҳри “Отбозор” массивидаги
автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчасининг ер
тузиш ва ер кадастри хужжатларини тайёрлаш.**

2.4.Мехнатни муҳофаза қилиш масалалари

а) Хаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари

“Хаёт–фаолияти хавфсизлиги” илмий фан бўлиб, хавфлар ва улардан ҳимояланишни ўрганади. Уни ўрганишнинг предмети фаолият (мехнат) нинг бир томонидир, ёки айнан хавфлар ва улардан ҳимояланишдир.

Хаёт–фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади ишлаб чиқариш ва фавқулодда ҳолатларда хавфсизликни таъминлаш ва яхши иш шароитларини яратиш учун инсонларни назарий ва амалий жиҳатидан тайёрлаши, ҳамда экстремал вазиятларда қандай ҳаракат қилишни ўрганишдан иборатдир.

Хавф – хаёт – фаолият хавфсизлигининг марказий тушунчаси бўлиб, у ходиса жараён ва объектларнинг инсон соғлигига тўғридан тўғри ёки билвосита маълум шароитда қай даражада зарар етказиш қобилятини кўрсатади, яъни кўнгилсиз оқибатларни олиб келади.

Хавфсизлик – бу фаолиятнинг ҳолати бўлиб, маълум эҳтимолликда хавфларнинг келиб чиқишини бартараф қилишдир.

Хавфсизлик бу инсонлар олдига қўйилган мақсаддир. Хаёт фаолияти хавф-сизлиги эса мақсадга эришишнинг восита, йўл ва усуллари.

б) Фуқоро муҳофазаси

Ўзбекистон республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги фармонида кўра Республикамиз ҳудудида юзага келиши эҳтимоли бўлган табиий ва техноген турдаги фавқулодда вазиятларни олдини олиш, уларни прогнозлаш ва юз берган ҳолда уларнинг оқибатларини зудлик билан тугатиш ишларини ташкил қилиш учун мустақил давлатлар ҳамкорлиги ичида Ўзбекистон фавқулодда вазиятлар вазирлиги биринчилардан бўлиб ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисида 20 август 1999 йилда қабул қилинган “Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”, 2000

йил 31 августдага “Фуқоро муҳофазаси тўғрисида”, “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида” ги қонунлар босқичма – босқич қабул қилинди.

Фуқоро муҳофазаси борасида илк бор қабул қилинган ва кучга кирган қонун аҳолини ва ҳудудларини турли хилдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида асосий тушунчалар, ҳукумат ваколатлари, фуқороларни ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳалокатли вазиятларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари тўғрисида маълумот беради.

Вазирлар Маҳкамасининг 27 октябрь 1998 Йилдаги №455 қарорига кўра Республикамиз ҳудудида қуйидаги фавқулодда вазиятлар содир бўлиши мумкин: техноген вазиятлар, табиий ҳалокатлар, экологик ҳалокатлар.

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат.

1. Фавқулодда вазиятлар олдини олиш ва аҳолини огоҳлантириш.
2. Фавқулодда вазиятлардан кўриладиган талофатларни камайтириш.
3. Фавқулодда вазиятларни енгиллатиш ва шароитни баҳолаш.
4. Фавқулодда вазиятларни тугатишни ташкил этиш.

Аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этишга тайёрлаш қуйидаги асосий масалаларни ҳал этишни тақозо қилади:

1. Аҳолининг барча қатламлари (мактаб ўқитувчисидан тортиб қарияларгача, ҳар бир киши) яшаб, ишлаб (ўқиб) турган жойида қандай фавқулодда вазиятлар вужудга келиши мумкинлигини, уларнинг тавсифини, аҳоли ва ҳудудга таъсирини билиши керак.

2. Ҳар бир киши эҳтимоли тутилган ҳар қандай фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш қоидаларини билиши керак.

3. Ҳар бир киши юз бериши эҳтимоли бўлган фавқулодда вазиятлардан ҳимояланиш йўллари, усуллари ва воситаларини билиши ҳамда улардан фойдалана олишлари керак.

4. Ҳар киши (ўзига ўзи ва бир–бирига) биринчи ёрдам беришни билиши ва ёрдам бериши керак.

Фуқоро муҳофазасида муҳандислик–техникавий тадбирлари меъёрларининг талаблари қуйидагиларга қаратилган бўлади: аҳолини муҳофаза қилиш, тинчлик даврида содир бўладиган фавқулодда вазиятлар зарарини камайтириш, тинчлик пайтида ва ҳарбий даврда халқ хўжалик объектлари, бирлашмалар, халқ хўжалиги тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, табиий офат содир бўлган зоналарда қутқариш ишлари амалга ошириш учун зарур шароит яратиш. Халқ хўжалиги тармоқлари ва объектларида фуқоро муҳофазаси муҳандислик техникавий тадбирларни лойиҳалаш ушбу меъёрий талабларга ҳамда вазирликлар, идоралар Давлат қўмиталари, Ўздавлатархитектура қурилиш, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишиб ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Халқ хўжалиги объектларини жойлаштиришга қўйиладиган талаблардан бири шуки сув босиши мумкин бўлган ҳудудда жойлаштирмаслик керак.

в) Ёнғин хавфсизлиги

Ёнғин – махсус манбаада бўлмаган ва моддий зарар келтирувчи назоратсиз ёнишдир. Ёнғинга қуйидагилар сабаб бўлади: иситиш печларини қуриш ёки ишлатиш қоидаларининг бузилиши, ишлаб чиқаришда ёки уйда оловни эҳтиётсизлик билан ишлатиш, керосинда ишлайдиган ёритиш ёки қиздириш асбобларини нотўғри ўрнатиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, яшин ёки статик электр разрядлар, машиналар ва ишлаб чиқариш жиҳозларининг носозлиги ҳамда уларни ишлатиш қоидаларига риоя қилмаслик (ички ёнув двигателларидан чиқадиган учқунлар, электр қурилмаларидаги қисқа туташувлар ёки уларнинг ерга уланиб қолиши, электр симларида нагрузканинг йўл қўйилмайдиган даражада ортиб кетиши, контактлари ёмон бўлган

жойларнинг қизиб кетиши ва улардан учкун чиқиши. Буғ қозонларининг портлаши); қишлоқ хўжадик маҳсулотларининг ёки ёқилғининг ўз-ўзидан ёниб кетиши.

Ёнғиннинг олдини олиш тадбирлари: ташкилий (кўнгилли ўт ўчирувчи дружиналари ёки ёнғиндан муҳофазалаш дружиналари тузиш омма орасида тушунтириш ишлари олиб бориш) техникавий тадбирларга қуйидагилар: ёнғин ёки портлаш жиҳатидан хавфли хоналарга алоҳида конструкцияли электр жиҳозлар ўрнатиш, носос печлар, машиналар, электр жиҳозлардан, шунингдек осон алангаланадиган суюқликлар сақланадиган ёки ишлатиладиган жойларда оловдан фойдаланишни таъқиқлаб қўйиш, яшин қайтаргичлар ўрнатиш, чиққан ёнғиннинг тарқалишига йўл қўймаслик чораларини кўриш (объектларни ўтга чидамли материаллардан қуриш, бинолар орасидаги ёнғинга қарши ораликларга риоя қилиш), ёнаётган бинолардан одамлар, ҳайвонлар ва қимматбаҳо хўжалик буюмларини кўриш (керакли микдорда эшиклар, зарур кенгликда коридор (йўлак) лар қуриш, уларни тўсиб қўйишни ман этиш), ёнғинни ўчиришни осонлаштирадиган тадбирларни кў-риш (ёнғинни ўчириш, нарвонлар, ёнғин кузатиш вишкалари, сув хавзалари ва би-ноларга келиш йўллари қуриш, ёнғин алоқаси ҳамда сигнализациясини ўрнатиш).

г) Биринчи техник ёрдам кўрсатиш

г) Шикастланганларга биричи ёрдам кўрсатишдан олдин қуйидаги ишларни бажариш лозим:

- жароҳатланиш сабабларини йўқотиш (жароҳатланувчини газлар, заҳарлар тўлган хонадан олиб чиқиш) электр симини олиш (электр токи урганда; жароҳатланувчининг аҳволини ёмонлашадиган барча нарсаларни йўқотиш (жароҳатланувчи устидан юкни, девор парчаларини олиш, хонадан ёки ёнаётган жойдан олиб чиқиш);

- жароҳатланувчининг умумий аҳволини аниқлаш ва биринчи навбатда одам ҳаёти ва саломатлигига энг кўп хавф туғдираётган нарсани

йўқотиш (артериялар кесилганда қон оқишини тўхтатиш, нафас олиш тўхтаб қолган ва юрак фаолияти бузилган бўлса, сунъий нафас олдиришни ёки юракни уқалашни бошлаш ва ҳ.к.);

- агар беморга хавф туғилмайдиган бўлса, биринчи техник ёрдам кўрсатишда уни қўзғатмаслик;

- хушидан кетганда ташклаб кетмаслик;
- биринчи ёрдам кўрсатиш учун жароҳатланганнинг кийимини ечишда ёки яраланган жойидаги кийимини қирқишда жуда эҳтиёт бўлиш зарур;

- жароҳатланганни авайлаш.

Тананинг бирор жойи кесилганда ёки суяклари очик синганда артериядан, венадан капилярлардан қон оқиши мумкин. Оёқ - қўллардан қон оққанда резина боғлам ёки қўлда бор нарсалардан - тасма, газлама парчаси ёки бошқалардан бурама боғлам қўйган яхши.

Қориннинг устки қисми шикастланганда одатдаги боғламни қўйиш мумкин. Қорин бўшлиғининг ичи шикастланганда бемор санитария замбилига чалқанчасига ётқизилади, тиззалари бироз букилади. Очик жароҳатларни усти стерилланган сочиқ билан ёпиб қўйилади.

Агар одам электр токи таъсирига тушиб қолган бўлса уни токли қисмдан ажратиш зарур. Бунда электр қурилмани рубильникдан учуриш ёки включательдан узиш, симни қирқиб ташлаш, жабрланувчини кийимидан тортиб токли қисм-лардан ажратиш, қуруқ таёқ ёрдамида симни олиб ташлаш лозим. Жабрланувчини токли қисмлардан ажратишда эҳтиёт чорасини кўриш керак, чунки ёрдам кўрсатаётган кишининг ўзини ток уриши мумкин. Жабрланувчи токдан ажратилгандан кейин бирор тўшама устига ётқизилади, кийим тугмалари, камари ечилади ва тоза хаводан нафас олдирилади, новшадил спирти ҳидлатилади, бетига совуқ сув сепилади, бадани ишқаланади ва иситилади.

Агар жабрланувчининг нафас олиши тўхтаган бўлса у қийналиб нафас олаётган бўлса унга сунъий нафас олдирилади ва юраги уқаланади.

Сунъий нафас олдириш бемор ўзига келгунича давом эттирилади. Нафас олиш бир меъёрга келгач нафас олдириш тўхтатилади.

III боб.

Шахобчанибино-иншоотларини техник ва иқтисодий баҳолаш.

Хулоса

Битирув малакавий ишининг мазмуни Бухоро шаҳри “Отбозор” массивидаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчасининг кадастр хужжатларини тайёрлашдан иборат булди.

Шахобча жойлашган массив тўғрисида умумий маълумотлар маалумотлар ўрганилди.

Массивнинг табиий шароитлари (иклими, рельефи, тупроқлари), ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи, аҳоли яшаш жойлари тавсифи, ердан фойдаланиш тавсифилари ўрганиб чиқилди.

Шахобчани шаҳар даражасидаги ҳуқуқий, хўжалик ва архитектура-қурилиш мақоми тўғрисида маълумотлар тўплаш .

Шахобчани ер участкасининг кадастр плани чизмада жойлаштириб кадастр режасини тузиш; бино ва иншоотларнинг техник параметрларини аниқлаш учун ташқи ўлчовлар ва ички ўлчов ишларини бажариб девор режаларини чизиш. Шахобчани бино ва иншоотлар ҳисоб варақасини тузиш. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Шахобчани бино-иншоотларини техник - иқтисодий баҳолаш ва кадастр рақамларинини шакллантирилди.

Олдинги босқичларда олинган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда маълумотлар компьютер базасини яратилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” Т.: Ўзбекистон, 1992
2. И.А.Каримов, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, Т.: Ўзбекистон, 1995
3. И.А.Каримов, “Ўзбекистон XXI бўсағасида”, Т. Ўзбекистон 1997
4. И.А.Каримов, “Ўзбекистон буюк келажак сари”, Т. Узбекистон, 1998
5. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т. Узбекистон, 2009
6. И.А.Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг устивор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Т.: Узбекистон, 2011
7. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”. Т. Ўзбекистон, 1997
8. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами (I ва II қисмлар), Т.: Шарқ, 1998
9. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Давлат ер кадастри тўғрисида». Т:1998
- 10.Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами (I ва II қисмлар), Т. Шарқ, 1998
- 11.Авезбаев С., Волков С.Н. «Ер тузишни лойиҳалаш» Т.: Янги аср авлоди,2004
- 12.Авезбаев С., Волков С.Н. «Ер тузиш иқтисоди». Т.: Янги аср авлоди, 2002
- 13.Бобожонов А.Р., Рахмонов Қ.Р, Ғофиров А.Ж. «Ер кадастри» Т.: ТИМИ, 2008.
- 14.Авезбаев С., Волков С.Н. « Ер тузишнинг илмий асослари» Т Янги аср авлоди, 2002

15. Ер муносабатларини тартибга солишга доир меъёрий хужжатлар туплами, 1-2 том, Т.:1997
16. М.Рустамбоев ва бошқ. “Ер ҳукуки”. Дарслик. Т.: Тошкент Юридик институти, 2002
17. Ер тузишда иқтисодий математик моделлар ва усуллар. Шодмонова Г., Абдуллаев З. Ўқув қўлланма. Т: 2007
18. Қудратов О., Ғаниев Т. Фавқулодда вазиятларда фуқоро муҳофазаси. Т.: Янги аср авлоди, 2005
19. Ғойипов Ҳ.Э. Меҳнат муҳофазаси. Т.: Меҳнат, 2000
20. Юнусов М.Ю., Икромов Э.Ж. Фуқоро муҳофазаси доимий зарурият. Ўқув қўлланма. Т.: 2002
21. Землеустроительное проектирование – 2-е изд. (Учебник и учеб. Пособия для ВУЗов) www.ast.ru
22. Землеустроительное проектирование и организация землеустроительных работ. www.prom.kz
23. Управление земельных ресурсов и землеустройства. www.18.rosfirm.ru
24. Управление мониторинга земель, землеустройства и территориального планирования. www.kadastr.ru
25. Управление использованием земель сельскохозяйственного назначения в условиях. www.baseref.ru
26. www.Ziyonet.uz